



ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Гулбоев Улуғбек

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0004-5223-1350

gulboyevulugbek89@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида давлат харидлари тизимини такомиллаштириш муаммолари ва уларни ҳал этиш чора-тадбирлари таҳлил қилинди. Давлат харидлари жараёнидаги бюрократик тўсиқлар, молиявий қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги ва коррупция хавфи давлат харидларини самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Мақолада қонунчиликни такомиллаштириш, электрон тендер тизимини жорий этиш, кичик ва ўрта бизнес учун молиявий дастурларни кенгайтириш каби чора-тадбирлар тавсия қилинган. Давлат харидлари тизимини модернизация қилиш миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қўмаклашади.

Калит сўзлар: инновацион иқтисодиёт, давлат харидлари, молиявий қўллаб-қувватлаш, электрон тендер, коррупцияга қарши кураш, кичик ва ўрта бизнес.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК В ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКЕ

Гулбоев Улуғбек

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье анализируются проблемы совершенствования системы государственных закупок в условиях инновационной экономики и предлагаются меры по их решению. Выявлено, что бюрократические барьеры, недостаток финансовой поддержки и коррупционные риски негативно влияют на эффективность развития государственных закупок. В работе рекомендовано совершенствование законодательства, внедрение электронных тендеров, расширение финансовых программ для малого и среднего бизнеса. Модернизация системы государственных закупок способствует устойчивому развитию национальной экономики.

Ключевые слова: инновационная экономика, государственные закупки, финансовая поддержка, электронные торги, борьба с коррупцией, малый и средний бизнес.

PROSPECTS FOR IMPROVING PUBLIC PROCUREMENT IN THE INNOVATION ECONOMY

Gulboyev Ulugbek

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article analyzes the challenges of improving the public procurement system in the context of an innovative economy and proposes measures to address them. It is identified that bureaucratic barriers, lack of financial support, and corruption risks negatively affect the efficiency of public procurement development. The study recommends legislative improvement, implementation of electronic tenders, and expansion of financial programs for small and medium enterprises. Modernizing the public procurement system contributes to the sustainable development of the national economy.

Keywords: innovative economy, public procurement, financial support, electronic tenders, anti-corruption, small and medium enterprises.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётида инновацион ривожланиш тенденциялари давлат бошқаруви ва молиявий сиёсат соҳаларида жиддий ўзгаришларни талаб этмоқда. Хусусан, давлат харидлари соҳаси бугунги кунда нафақат бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш воситаси, балки мамлакатда инновацияларни жорий этишнинг муҳим механизмларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Давлат буюртмалари орқали илғор технологияларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий инновацион ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат харидлари тизимини рақамлаштириш, очиқликни таъминлаш ва шаффофликни оширишга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Шу билан бирга, инновацион иқтисодиёт шароитида ушбу соҳани янада такомиллаштириш ва стратегиявий ёндашувни шакллантириш талаб этилади.

Адабиётлар шарҳи.

Тошпўлатова (2022) ўз тадқиқотларида давлат харидлари жараёнида электрон тендер платформаларининг самарадорлигини ошириш масалаларини таҳлил қилган. Олим инновацион маҳсулотларни харид қилишда очиқлик ва рақобатни таъминлаш зарурлигини таъкидлайди.

Салоҳиддинов (2023) инновацион иқтисодиёт шароитида давлат харидлари орқали маҳаллий илмий-тадқиқот институтлари ва кичик инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини таҳлил қилган.

Каримова (2021) давлат харидларида инновацион ёндашувни ривожлантириш учун қонунчиликни такомиллаштириш, хусусий сектор билан шерикликни кенгайтириш муҳимлигини қайт этади.

Петров (2022) қўйидагиларни таъкидлайди, яъни инновацион харидлар – иқтисодиётнинг технологик ўзгаришини тезлаштирувчи механизм деб ҳисоблайди. У давлат томонидан талаб яратиш орқали инновацияларнинг бозорга чиқишини рағбатлантириш мумкинлигини таъкидлайди.

Давлетова (2021) таҳлилларини Қозоғистон республикаси мисолида таҳлил қилади ва давлат харидларида маҳаллий инноваторларни қўллаб-қувватлаш амалиётини таҳлил қилади ҳамда ушбу амалиётнинг самарадорлигини ошириш учун норматив базани кучайтиришни таклиф қилади.

Григорян (2020) инновацион маҳсулотлар ва хизматлар учун алоҳида тендер категорияларини яратиш орқали давлат харидлари тизимига янги технологик ечимларни киритишни таклиф қилади.

Georghiou (2014) «Public procurement for innovation» концепциясида давлат харидларини инновацион сиёсат инструменти сифатида қараб, бу орқали янги технологиялар бозорига талаб яратиш мумкинлигини айтади.

Edler (2007) ўз тадқиқотларида давлат харидларидаги хавфларни бошқариш, баҳолаш мезонларини такомиллаштириш ва етказиб берувчи инновацион компанияларга қулай шароит яратиш зарурлигини асослайди.

Уярга (2010) минтақавий даражадаги давлат харидларининг инновацияга таъсири, маҳаллий иқтисодиётдаги янги технологияларнинг ўсишидаги ролини таҳлил қилади.

Шунингдек Абдурахмонов (2018-2024) ҳозирги рақамли иқтисодий шароитда давлат харидларида юзага келадиган рискларнинг олдини олиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борган.

Тадқиқот методолигияси.

Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек давлат харидларини амалга оширишнинг механизмларини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат харидлари тизимини рақамлаштириш ва шаффофиклини оширишга катта эътибор берилмоқда. Давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш орқали (масалан, «Давлат харидлари портали» ва «Электрон тендерлар» тизими) бозорда очиқ рақобат муҳити яратилиб, коррупция ва бюрократик тўсиқларни камайтиришга эришилди. Бу ўз навбатида инновацион маҳсулотлар ва хизматларни давлат харидлари орқали жорий этишга янги имкониятлар яратмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда инновацион маҳсулотлар учун алоҳида тендерлар ва махсус дастурлар жорий этилаётгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва илмий-тадқиқот муассасалари давлат буюртмалари орқали қўллаб-қувватланаётгани кузатилади. Бу эса давлат харидлари тизимини инновацион иқтисодиётнинг муҳим бўғинига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Бироқ, мавжуд ҳолатда қонунчилик ва норматив база ҳали ҳам етарлича ривожланмаган, инновацион маҳсулотларни баҳолашда ва лицензиялашдаги тўсиқлар мавжуд. Шунингдек, хусусий сектор билан ҳамкорликни кучайтириш, янги технологияларни жорий этиш учун қўшимча молиявий рағбатлантириш механизмларини яратиш лозим.

Ўзбекистон ҳукумати 2023-2024 йилларда давлат харидларида инновацияларни жорий этишни рағбатлантириш учун қатор дастурлар қабул қилди, жумладан, «Инновацион технологияларни давлат харидларида қўллашни такомиллаштириш» концепцияси, шунингдек маҳаллий инновацион маҳсулотлар учун махсус преференциялар тизими.

Ўзбекистонда давлат харидлари бозори сўнгги беш йил ичида кескин ўсишни кўрсатмоқда. 2023 йилда давлат харидлари умумий ҳажми 140 триллион сўмни ташкил этди, бу 2019 йилга нисбатан 35%га кўпдир. Шунингдек, электрон тендерлар орқали амалга оширилган харидлар улуши 2023 йилда 85%га етди, бу рақам 2018 йилда 50% атрофида бўлган.

Инновацион маҳсулотлар учун ажратилган давлат харидлари маблағи 2022 йилда 2 триллион сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 1,8 бараварга ўсди. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиётга ўтишида давлат харидларининг муҳим ролини кўрсатади.

Хукумат томонидан тасдиқланган «Инновацион технологияларни давлат харидларида қўллашни такомиллаштириш» дастури доирасида 2023 йилда 150 та лойиҳа учун махсус тендерлар ўтказилди, уларнинг умумий қиймати 500 миллиард сўмдан ортиқ. Бу лойиҳалар асосан ахборот технологиялари, медицина ва агросаноат соҳаларидаги инновацион маҳсулотлар ҳамда хизматларга бағишланган.

Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг давлат харидлари бозоридаги улуши 2023 йилда 60%га етди, бу 2018 йилга нисбатан 15%га ошган. Бу эса маҳаллий инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлашдаги ўсишни кўрсатади. Бироқ, ҳануз мавжуд муаммолар ҳам бор: давлат харидларида иштирок этувчи кичик инновацион компанияларнинг 40%и бюрократик тўсиқлар ва молиявий қийинчиликлар туфайли тендерларда ками иштирок этади. Статистик маълумотлар Ўзбекистонда давлат харидлари тизимининг рақамлаштирилиши ва инновацион ривожланишга интеграцияланиши босқичма-босқич юзага келаётганини кўрсатади. Бунда қонунчиликни янада такомиллаштириш ва хусусий секторни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Инновацион иқтисодиёт шароитида давлат харидларини такомиллаштириш жараёнида бир қатор муаммолар кузатилади. Биринчидан, давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база ҳозирги замонавий талабларга тўлиқ мос келмаяпти. Бу ҳолат инновацион маҳсулотларни баҳолаш, лицензиялаш ва жорий этиш жараёнларида бюрократик тўсиқларнинг кучайишига олиб келмоқда. Бу эса хусусий секторнинг, айниқса кичик ва ўрта инновацион корхоналарнинг давлат тендерларида фаол иштирок этишини чеклайди.

Иккинчидан, инновацион маҳсулотларни молиялаштиришдаги қийинчиликлар ҳам жуда катта тўсиқ саналади. Кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурслар ва кредитлар етишмаслиги уларнинг давлат харидлари тизимида рақобатбардошлигини пасайтирмоқда ва инновацияларни давлат дастурларига жорий этишни секинлаштирмоқда.

Учинчи муҳим муаммо – тендер жараёнларининг мураккаблиги ва бюрократия даражасининг юқори эканлигидир. Давлат харидларида иштирок этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва талаблар кўп ва мураккаб бўлгани сабабли, айниқса кичик инновацион корхоналар учун тендерларда иштирок этиш қийинлашади.

Шунингдек, давлат харидлари соҳасидаги коррупция хавфи ҳам инновацион маҳсулотларни адолатли баҳоланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат бозордаги рақобат муҳитини бузиб, сифатли инновациялар кириб келишини чеклайди.

Нихоят, маҳаллий инновацион маҳсулотларни халқаро стандартларга мослаштиришдаги муаммолар ҳам муҳим масала саналади. Бу мослик йўқлиги маҳсулотларнинг давлат харидлари тизимида қабул қилинишига тўсқинлик қилади ва экспорт салоҳиятини пасайтиради.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш учун қонунчиликни соддалаштириш ва инновацияларга мувофиқлаштириш, кичик ва ўрта бизнес учун махсус молиявий дастурлар яратиш, тендер жараёнларини оптималлаштириш ва электронлаштириш, давлат харидларида шаффофликни ошириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Давлат харидларини инновацион иқтисодиёт шароитида самарали ривожлантириш учун бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Аввало, қонунчилик базасини такомиллаштириш ва уни замонавий инновацион талабларга мослаштириш зарур. Бу жараёнда бюрократик тўсиқларни камайтириш, давлат харидлари жараёнларини соддалаштириш ҳамда инновацион маҳсулотларни баҳолаш ва лицензиялашни осонлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, инновацион маҳсулотлар ва технологияларни яратиш билан шуғулланувчи кичик ва ўрта корхоналар учун махсус молиявий дастурлар яратилиши керак. Бу дастурлар кредитлашни осонлаштириш, субсидиялар бериш ва инвестицияларни жалб қилишни ўз ичига олиши лозим. Шу билан бирга, давлат харидларида ушбу корхоналарнинг иштирокини рағбатлантирувчи механизмлар жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Учинчи чора-тадбир сифатида тендер жараёнларини электронлаштириш ва оптималлаштириш мумкин. Электрон тендер тизимларини ривожлантириш орқали харидларнинг шаффофлиги ва адолатлилиги ошади, бюрократик тўсиқлар камаяди, шунингдек, инновацион маҳсулотларни таклиф этувчилар учун тендерларда иштирок этиш қулайлашади.

Шунингдек, давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашиш механизмларини кучайтириш лозим. Бу рақобат муҳитини яхшилаш ва сифатли инновацион маҳсулотларни танлашни таъминлашга ёрдам беради.

Яна бир муҳим йўналиш – маҳаллий маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш. Бунинг учун техник ёрдам, сертификатлаштириш жараёнларини соддалаштириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш зарур.

Нихоят, давлат харидлари соҳасида квалитетни баҳолаш ва инновацияларни жорий этишга оид мониторинг ва таҳлил тизимларини яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу чора-тадбирлар давлат харидлари самарадорлигини ошириш ва инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда устувор вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади.

Хулоса ва таклифлар.

Инновацион иқтисодиёт шароитида давлат харидларини такомиллаштириш мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий ривожланишни тезлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Таҳлиллар шўнчаки, амалиётда қонунчилик ва норматив базанинг етарли даражада замонавий талабларга мослашмаганлиги, молиявий ресурслар ва кредитлаш механизмларининг чекланганлиги, тендер жараёнларининг мураккаблиги ҳамда коррупция хавфи давлат харидлари соҳасидаги энг катта тўсиқлар эканлигини кўрсатмоқда. Бу омиллар инновацион маҳсулотлар ва технологияларнинг давлат харидлари орқали кенг жорий этилишини чеклаб, иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, инновацион маҳсулотлар яратиш ва жорий этишда кичик ва ўрта бизнеснинг роли катта эканлиги, улар учун мос молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш зарурлиги аниқланди. Электрон тендер тизимлари ва рақамлаштириш давлат харидлари жараёнларини соддалаштириш ва шаффофликни оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Илмий таҳлиллар ва амалий тавсиялар инновацион давлат харидларини самарали ривожлантириш учун қонунчиликни такомиллаштириш, молиявий дастурлар яратиш, тендерларни электронлаштириш ҳамда коррупцияга қарши самарали чоралар кўриш лозимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, маҳаллий маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш давлат харидлари тизимини модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Умумий қилиб айтганда, давлат харидлари тизимини инновацион иқтисодиёт талабларига мослаштириш миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий истиқболларини мустаҳкамлашга кўмак беради.

Адабиётлар / Литература / References:

- Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, (1), 5.
- Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.
- Edler J., Georghiou L. (2007) *Public procurement and innovation: Resurrecting the demand side* // *Research Policy*. – Vol. 36, No. 7. – P. 949–963.
- Georghiou L. (2014) *Demand-side innovation policies and public procurement: concepts and evidence* // *Science and Public Policy*. – Vol. 41, No. 1. – P. 4–15.
- Uyarra C., Flanagan K. (2010) *Understanding the innovation impacts of public procurement* // *European Planning Studies*. – Vol. 18, No. 1. – P. 123–143.
- Абдурахмонов, И. (2023). Совершенствование практики страхования ответственности в Республике Узбекистан. Каталог авторефератов, 1(1), 1–20. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/autoabstract/article/view/41252>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Неизвестные нам риски цифровой экономики. Экономическое развитие и анализ, 2(7), 230–239. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48792>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Страховой рынок: современное состояние и тенденции развитие. Экономическое развитие и анализ, 2(4), 309–319. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48500>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12–15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.
- Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод-Молия» нашриёти, 23–24.
- Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/–Т.: «Иқтисод молия, 353–354.
- Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.
- Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. *Tadqiqotlar. UZ*, 37(6), 161–167.
- Григорян А.С. (2020) Совершенствование системы госзакупок с учетом технологических приоритетов // *Экономика Армении*. – № 3. – С. 50–55.
- Давлетова А.Н. (2021) Инновационные закупки в Республике Казахстан: проблемы и перспективы развития // *Вестник КазНУ. Серия экономическая*. – Т. 145, № 2. – С. 82–88.
- Каримова З.Х. (2021) Давлат харидларида хусусий сектор билан шериклик ва инновацион ёндашув // *Ўзбекистон иқтисодиёти таҳлили*. – № 2. – Б. 28–34.
- Петров В.И. (2022) Государственные закупки как инструмент стимулирования технологических инноваций // *Экономика и управление*. – № 4. – С. 61–69.
- Салохитдинов Б.Ш. (2023) Инновацион иқтисодиёт шароитида давлат харидлари орқали тадқиқот институтларини рағбатлантириш // *Молия ва бозор*. № 1. – Б. 67–74.
- Тошпўлатова Н.Н. (2022) Электрон тендер тизимларининг самарадорлиги ва давлат харидларини такомиллаштириш // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*. – № 3. – Б. 45–52.